

О'ЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ  
ИСТИҚЛОҚ  
ИШЛАРИ  
Она юртинг — олтин бешигинг

# ТОНГЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 43 (66272)  
2000 йил 26 октябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

-Эрондаги жавоҳирлар музейида Амир Темурнинг зулфиқор қиличи сақланади. Бизнинг ифтихоримиз бўлмиш ушбу қилич шахримиздаги "Темурийлар музейи"да бўлганда эди,

қанчалар қимматли эканлигини аниқлашга эга бўлардик. Аф-бокалонимиз қиличининг ҳеч бўлмаса нусхасини келтириш зарур.

## "ОЛТИН МЕРОС"НИНГ ДУРУ ГАВҲАРЛАРИ



Муҳаммад Али.

Миллий гурурга эга бўлиш учун аввало бойликларимизни ҳис қилишимиз лозим экан-да, демек?

-Жуда тўғри. Мана юртимизда кўплаб қадимий обидалар мавжуд. Уларга тикилиб туриб гурурланиб кетамиз. Меъморлар маҳорати, аждоқлар ижодининг маҳсули бу. Бухородаги Сомониёлар мақбарасини олайлик. Мақбаранинг ҳар бир гишти шундай қўйилганки, у қуёш нурунинг йўналиши бўйича турли рангда жилоланади. Куннинг ҳар қайси вақтида ҳар хил товланади. Хорижлик олимлар уни ўрганиш учун ҳатто кўчириб кетмоқчи бўлишган. Фарзандларимиз ҳам бир мерос ёнидан ўтаётганда унга синчиклаб қарашларини, унинг сир-синаотларини англашларини истар эдим.

Шаҳримиздаги бир хонадонда уй музей бор. Халқ турмушига оид бўлган буюмлар музейи у. Музейни Салтанатхон Сиддиқова ташкил этганлар. Шунинг учун ҳам Салтанатхон музейи деймиш. У ерда ҳатто Амир Темурнинг чироғи ҳам бор. Бугунги кунда музей учун янги жой ахтаряпмиз.

Демак йиғса, излаб топса бўларкан-ку! Севимли шoirимиз, жамгарма раиси Муҳаммад Али ака нимага ургу бераётганини дарров англадим.

-Ўтган йили Парижда "Олтин Мерос"нинг тақдироти бўлиб ўтибди...

-Ҳа. ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳида ўтди бу. Жамгарма ўз фаолияти ҳақида тўлиқ маълумий мот берди. Тарихчи росга бойлиги билан ҳаммани лол қолдирди. Бундай ташкилотга ўхшаш ташкилот бошқарувчи давлатда йўқ экан.

-Жамгарма фаолиятига ёшларни ҳам жалб қилганмишлар?

-Ҳозирда ёшларни жалб қилиш мақсадида Мерос ва Ёшлар илмий экспедициясини ташкил этдик. Тарихчилар, санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида тўртта вилоятда шундай экспедиция ўтказдик. Бошқа вилоятларга ҳам кириб бормоқчимиз. Бунга санъатимиз ҳам сафарбар. Ўтган йили "Муножот" миллий рақс дастасини туздик. Унга Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова раҳбарлик қилади. Даста учун миллий либослар тиктирдик, тақинчоқлар, қадимий зебигардонлар олиб келтирдик. Яқинда Туркиянинг Эрегли шаҳрида халқаро конкурс бўлиб ўтди. Миллий рақслари билан "Муножот" дастаси биринчилиكنи қўлга киритиб қайтди. Келаси йил Америкага сафарни режалаштирмақдамиз.



-Муштарийларимиз орасида кимдир ноёб буюмни топиб олган бўлса, қаяққа мурожаат этишлари мумкин?

-"Олтин Мерос"нинг вилоятларда ўз бўлимлари бор. Ўша ерга олиб борсинлар. Биз қимматли буюмларни, қадимий қўлёзмаларни сотиб оламиз. Кимгадир аҳамиятсиз бўлиб кўринган буюм ёки қўлёзма жуда қимматли бўлиши мумкин. Бундай воқеалар кўп бўлган. Сотиб олинган қўлёзмаларимиз орасида Абдурахмон Жомий асарларининг кўчирилган нусхалари ҳам бор. Биз халқимиз мулкани бир ерга жамлашимиз лозим. Мулкимиз қанча кўп бўлса, халқимиз буюклигини ҳам шунча улугвор намоён этади.

-Сўхбатингиз учун ташаккур. Муҳаррама ПИРМАТОВА сўхбатлашди.

Шеърни ёд оламиз

Шарифа САЛИМОВА

## МЕНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИМ, ОНАЖОН ТИЛИМ

Онам, онажоним, алласи ўзинг,  
Тилим тилсими-ю, яллеси ўзинг.  
Улкан тоғ яширган тилласи ўзинг  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Тўлини ой ишвасин таржимони сен,  
Мен фақир бир қулнинг хонимони сен.  
Туркий деган халқнинг тоза қони сен,  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Сенсиз мен нимаман, сенсиз мен кимман,  
Сенсиз мен бўшлиқман, сенсиз мен жимман.  
Сенсиз мен оёқлар остида чимман,  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Тупроқ шивирини қўшган жонимга  
Лавҳул бузругимсан устихонимда.  
Жонбахш ҳаводирсан оққан қонимда  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Фаним қасдан пайҳон қилган чаманим,  
Оғзини сувлиғи йиртган саманим.  
Кимларга яхши-ю, кимга ёмоним,  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Умр деганлари сувдайин оқди,  
Ким чаканга райҳон, ким тикон тоқди.  
Лек дарёлар яна кўксингга оқди,  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Шу қуйган дилимнинг яролари кўп,  
Чўлпоу Фитратдек саролари кўп.  
Тилим деб қисмати қаролари кўп,  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Ҳазрат Навоийдек соябони бор,  
У мангу бағрингда бўй чўзган чинор.  
Минг булбул тилига сайраб ётган тор,  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Қорақўз боламга ўзинг энага,  
Ўзинг даргадирсан туркий кемага.  
Сенсиз шоирлигим арзир нимага,  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Тарихим, тақдирим, ой оққан булоқ,  
Чучук тил гўдагим, тиллашган иноқ.  
Хоҳла тумор бўлай, хоҳла кўзmunчоқ,  
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.



Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

## 3-КИТОВ МУБОРАК!

20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва Жамият Қурилиши Академиясида Ўзбекистоннинг янги тарихи 3-китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда Бўрибой Аҳмедов, Аҳмадали Асқаров, Нажмиддин Комилов каби Ўзбекистоннинг таниқли олимлари иштирок этишди. Академия ректори профессор Алишер Азизхўжаев бу китобнинг яратилиш тарихи

бевосита республика Президенти Ислам Қаримов номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Саккиз бобдан иборат мустақил Ўзбекистон тарихи илмий жамоатчилиги учун ҳам, кенг омма учун ҳам ажойиб совға эканлиги ҳақида сўзга чиққанлар ҳақ сўзларни айтдилар.

Нигора МИРЗАМУҲАМЕДОВА, мухбир

### БЕФАРҚ БЎЛМАНГ, КАТТАЛАР...

Собир Раҳимов туманида жойлашган "Ҳазрати Имом" масжиди ўрта асрларда қурилган бўлиб, у азиз қадамжоларимиздан ҳисобланади. Ҳозирда масжид таъмирланиб, янада кўркам бўлиб бормоқда.

Ҳамма нарсанинг лекини бўлганидек, ана шу масжиднинг қоқ ўртасида ахлатхона жойлашган. Энг ачинарли ҳол, масжид атрофига ёш болалар ҳам пўчоқми, овқат қолдиқларими ташлайверишади. Бунга қандай чидаш керак? Одамга инсоф ҳам керак-ку!..

Бу ҳолатга ота-оналар бефарқ бўлишмаса, касалхоналарда сариқ касал билан оғриганлар сони камаярмиди? Шунда масжидни зиёрат қилгани келган саёҳатчилар олдида ҳам юзимиз ёруғ бўларди.

Аҳрор АҲМЕДОВ,  
Тошкент шаҳридаги  
11-мактабнинг 9-синф  
ўқувчиси.

### ЯНА ЎША РЕКЛАМА

Уйда ёлғиз қолганим учун зерикдим. Зерикмаслик учун ойнаи жаҳонни кўрмоқчи бўлдим. Экранда дилрабо куй янграётган экан. Берилиб тинглай бошладим. Мусиқа тугар-туғамас реклама уланиб кетди. Ана энди ўша рекламани бир кўрсангиз эди! Ақл бовар қилмайдиган нарсаларни: ҳатто совун, сигарета, сақич, дазмол, кир ювиш асбоблари, чақалоқлар ички кийимларини ҳам реклама қилишди. Наҳотки, бундай реклама-ларга режиссёрлар бефарқ бўлсалар? Бу рекламалар нафақат биз ёшларга, балки ота-она, бобобувиларимизга ҳам ёқмайди-ку!..

Тагин ким билсин, мен нотўғри фикрлаётгандирман. Нима бўлганда ҳам бу менинг шахсий фикрим.

Дилдора УМАРОВА,  
Тошкент шаҳридаги 274-мактабнинг 9-синф  
ўқувчиси.



### ОЎЗИ АЧИГАНЛАР ТОМОШАСИ

Дарсдан сўнг мактаб ҳовлисидаги ўриндикда дам олиб ўтирган эдим. Бирдан водопровод атрофида 11-синф ўқувчилари пайдо бўлишди. Қараб турсам, улар водопроводнинг жўмрагига гармдори суришяпти. Кўнгироқ чалиниши билан ўқувчилар танаффусга чиқишди. Чанқаганлар дарров сувга ёпишишди. Сув ичиб бўлгандан кейин қараб-сизки, ҳамма оғзини ушлаб, бир-бирига ҳайрон бўлиб қараб кетишяпти. 11-синф ўқувчилари эса уларни бир чеккада кузатиб, кулиб туришибди.

Айтинг-чи тенгдошларим, битирувчи синф ўқувчиларининг қилган ишлари тўғрими? Сизларнинг мактабларингизда ҳам шундай нохуш ҳоллар учраб турадими? Бизнинг мактабимиздаги битирувчилар "ўрناق" бўлишмоқчи шекилли... Сиз бунга қандай қарайсиз?

Маҳина ОРТИҚОВА,  
Юнусобод туманидаги  
Юсуф Мўминов номли  
мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

### БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Ҳозирги кунда ўзлари билиб-билмаган ҳолда жиноят кўчаларига кириб қолаётган айрим ёшларимизнинг борлиги ҳаммамизга аён. Бундай воқеалар ҳақида газета, журналларда ўқиймиз, телевидение орқали томоша қиламиз.

Улар қилган ишларидан пушаймон бўлиб, узр сўрашади. Сўнгги пушаймон, ўзингга душман, деганларидек, кўзлари жуда кеч очилади. Қилган жиноятларига яраша жазоларини олишади. Чунки қонун барча учун баробардир. Шундай экан, биз ўсмир-ёшлар ҳар бир босаётган қадамимизни ўйлаб босишимиз, ҳар бир ишимизга жавобгарлик масъулиятини ҳис қилмоғимиз лозим.

Яқинда мактабимизда бўлиб ўтган "Сиз қонунни биласизми?" мавзуидаги кўрик танловнинг мақсади ҳам айнан шу эди. Танловда 8-"А" синфнинг "Қалқон", ҳамда 8-"Б" ва 8-"В" синфларнинг "Адолат" гуруҳларининг билагон ўғил-қизлари беллашдилар. Улар ўз чиқишларида ўзлари ўқиётган мактаб, яшаётган туман ҳамда вилоятлари тарихини шеърӣ тарзда батафсил сўзлаб бердилар. Бир ўсмирни қонунларимизни билмаслиги оқибатида жиноятга қўл уриши, охир-оқибатда суд залининг қора курсисидан жой олиши, унинг жинояти юзасидан кўрилган суд жараёнини саҳналаштириб бердилар. Бундан ташқари миллий анъаналаримиз руҳи билан сугорилган саҳна кўринишларини намойиш этишди.

Танлов яқунланди. "Қалқон" гуруҳи иштирокчилари ҳуқуқий билимдону зукколикда барчадан устун эканликларини исботлашди ва танловнинг голиби бўлишди.

Холида ОСТОНОВА,  
Саида ДАВРОНОВА,  
Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги  
48-умумтаълим мактабнинг ўқувчилари.

### БЕВАҚТ ГУЛЛАГАН ЎРИК

Маҳалламиз болалари икки гуруҳга бўлиниб футбол ўйнашаётганди. Уларнинг орасида Қодир исмли укам ҳам бор эди. Тушга яқин укам ҳаяжонланганча, аллақандай севинч аралаш ҳаллослаб уйга кириб келди:

-Бувижон, Омон бобонинг ҳовлисида ўрик гуллабди, -деди кўзлари чақнаб, -ахир ҳозир куз фасли-ку.

-Дарҳол бориб дарахтнинг гулини қоқиб ташланглар, -деди бувим хавотирли оҳангда, -бевақт гуллаган дарахтнинг хосияти ёмон бўлади...

Бувимнинг нега бундай деганлари сабабини орадан уч кун ўтгандан кейин англагандек бўлдим. Эрта билан мактабга кетаётсам, Омон бобонинг ҳовлисида йиғи товуши эшитилди. Яқинроқ бориб сабабини билсам, Омон бобо оламдан ўтган эканлар...

Алишер КАМОЛОВ,  
Қашқадарё вилояти, Усмон  
Юсупов тумани, М.Шайхзода  
номли мактабнинг  
11-синф ўқувчиси.

### МАФТУНАНИНГ ТИЛЛА ЗИРАГИ

Сийфимиздаги Мафтуна исмли қиз мактабга қимматбаҳо кийимлар кийиб келади. Аммо, яқинда Мафтуна мактабга оддий формада келиш кераклигини тушуниб етди.

Дарслар тугагач, синфдошим бир бекат учун автобусда кетгиси келиб қолибди. Автобусда бир аёл Мафтуна билан илиқ сўрашибди. Ва онасини яхши танишини, Мафтунанинг қулоғидаги қизил тилла зирагини бир кунга бериб туришини сўрабди, «Менинг қизимда оқ зирак. Расмга тушмоқчи эди. Қизил зиракда чиройли тушарди-да», дебди. Мафтуна бегона аёлни танимаса ҳам онам айтган экан-ку, деб қулоғидаги зирагини ечиб берибди.

Бунинг устига куртқасини қўлига ушлаб олган экан, уни ҳам бегона аёл сўраб олибди. Бу гаплардан хабар топган онаси у аёл ким экан, деб ҳайрон эмиш.

Тўғри-да, биз болалар жуда ишонувчанмиз. Ким нима деса ишонаверамиз. Бизни ҳеч ким алдай олмаслиги учун хушёр ва зукко бўлайлик!

Алишер ОДИЛОВ,  
Тошкентдаги 206-мактаб  
ўқувчиси.

Аёл киши учун уй бекаси, меҳрибон она бўлишнинг ўзи катта бахт. Менинг устозим Венера опа ўз зиммасидаги бекалик ва оналик бурчини мукамал бажариш билан бир қаторда узоқ йиллардан бери ўқитувчилик касбини шарафлаб ёш авлодга сабоқ бериб келмоқда. Венера опани катта-кичик ҳурмат билан «Муаллима» дейди. У самимийлиги билан ўқувчиларни кўнглига тез йўл топади. Устоз ҳар бир дарс соатини мароқли, тушунарли қилиб кўргазмани курувчи асосида олиб боради. Рус тили - дўст тили эканлигини биз ёшларга тушунтирган ҳолда дарсдан ташқари ҳам қатор адаблар китобларини ўқиб чиқишга маслаҳат берадилар. Шунинг учун Пушкин, Толстой, Чехов, Горький, Островский, Шолохов, Тургенев, Есенин асарларини билмаган синфдошларимиз йўқ. Устозим 1952 йилда Сурхондарёнинг Термиз шаҳрида ўқитувчи оиласида дунёга келган. Авлодлар сулоласини дилига жо этган Венера опа 1968 йилда А.Навоий номидаги Самарқанд университетини рус тили факультетига ўқишга кириб, 1973 йилда аъло баҳолар билан тугатди. Талабаликнинг олтин даври орқада қолди. Оқдарё сувининг жилोलари тортган экан, курсдоши Ўктам Шариповга турмушга чиқди. Икки ёш мутахассис Оқдарё туманидаги 45-ўрта мактабга ишга

қабул қилинди. Венера опа мактабга ишга келганидан бошлаб мактаб жамоаси ишида ижобий ўзгаришлар юз берди. Мактабда ота-оналар ва маҳалла билан аҳилликда тадбирлар ўтказила бошлади. Шу йиллар мобайнида устоз Халқ Таълими аълочиси бўлди. Бир неча марта вилоят ва республика анжуманида қатнашди. Бугунги кунда мактабимизда бир минг олти юз нафар ўғил-қиз таълим олаётир, уларга юздан зиёд ўқитувчилар турли фанлардан сабоқ беришмоқда. Мактаб кутубхонаси замон талабла-

*Ассалому алайкум ҳурматли Бош муҳаррир!  
Мен ўқитувчим Венера опани ҳамма билишини истайман. Менга қолса у кишидай гўзал ва ақлли аёл дунёда йўқ. Сиздан илтимос, ўз газетам «Тонг юлдузи»да устозим ҳақида ёзган мақоламни эълон қилсангиз. Шогирд табриги сифатида кўнглимдагини айтишга жазм қилдим. Нима учун табрик йўллаётганимни хатимни ўқиб, билиб оласиз. Салом билан, сизнинг адашингиз Умида.*

йўл берди, юксак фазилатли инсонлар ҳақида сўзлашга сўз берди. Рус тили илмидаги тушунчамиз етмайдиган баъзи қийин саволларга Венера опамиз ёрдамида осонгина жавоб то-

севсанг у ҳам сени ардоқлайди, йўлинг ойдин бўлади», дейдиган устозимга талпиниб яшайман.

Эрта тонгда туриб мактабга борар эканман қалбимни бир ажиб шодлик ўрайди, шу Ватанда туғилиб ўсганимдан фахрланаман. Ўқитувчиларимнинг худди онамиздай меҳрибон, ширали овози бизларни эзгуликка чорлаб туради:

-«Салом болалар! ...»

Мактабда зерикшни билмаймиз, барча шароитлар мавжуд, ошхона ишлаб турибди, бу ерда арзон нархда егуликлар сотилади. Чунки мактабни кўшимча ерига ўзимиз сабзавот экинларини экканмиз, мактабимиз кенг ва ёруғ бўлиб, тўрт қаватдан иборат. Устозим узоқ йиллик ҳалол меҳнати эвазига «Дўстлик Ордени» билан мукофотланди, биз синфдошлар ушбу гўзал кунларда устозимизга худодан омонлик ва баркамоллик тилаймиз.

*Умида ИСМОИЛ қизи,  
Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани Ҳ.Олимжон номи  
45-ўрта мактаб ўқувчиси.*

## Устоз ҳақида сўз

ри даражасида жиҳозланган. Китоблар сони йилдан-йилга бойиб бормоқда, китобхоналар сони кўпайди. Мактаб кутубхонаси ўқувчилар билан доим гавжум. Бу ерда тез-тез турли кечалар ўтказилиб турилади. Қадимги Рим тарихчиси Тацит «Кўнглинг тусганини ҳис этишга ва ҳис этганини гапиришга эрк берилган онлар ноёб бахтли онларингдир» деб ёзган экан. Дарҳақиқат, мустақиллик бизга эрк берди, бахт берди, дунёга чиқишга

памиз. Синф раҳбаримиз сифатида бизларга ҳаётдан сабоқ берадилар. Яқинда «Сочларингни кесма, жон қизим» мавзусида суҳбат ўтказдик. Ўзбекликни, қадр-қимматни, миллий анъаналаримизни руҳимизга сингдириб борадиган, меҳмон кутиш одоби, қиз боланинг ҳаёси, йигит кишини сўзи ҳақида жуда кўп фойдали маслаҳатлар берадиган, ҳаммаша сўз охирида: «Ўз дўстингни сев, Ватанинг, халқингга фидоий бўл, шу муқаддас юртга хизмат қил, Ватанини

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС

## ХУШМУОМАЛА БЎЛАЙЛИК!

*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!*  
Доно халқимизда бир нақл бор: «хушмуомалалиқ одобнинг бошидир». Исломи дини кишиларни ахлоқ-одобли, бир-бирлари ила яхши муносабатда бўлишига чақиради. Аксинча, ахлоқсиз, ёлғончи, риёкор, ҳасадгўйлик каби иллатларга эга бўлган киши эса бошқаларга ўз таъсирини ўтказиши натижасида кўп кўнглисизликлар келтириб чиқаради. Ўтмишда ўтган барча пайғамбарлар ҳам кишиларни яхши одоб-ахлоқли бўлишга чақирганлар. Пайғамбаримиз бу борада дунё мусулмонлари учун ўрнакдурлар. Аллоҳ таоло ўз китобида: «Эй Ҳабибим, сиз ҳақиқатдан ҳам улуг ахлоқ соҳибидурсиз», дейди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир қанча ҳадиси шарифларида хуснул хулқ одоби ҳақида ўз кўрсатмаларини баён қилиб берганлар. Имом Термизий келтирган ҳадисларида: «Қиёмат кунда мўмин кишини гўзал хулқидан ҳам тарозусини кўп босиб турадиган оғирроқ нарса йўқдир, албатта. Аллоҳ таоло фахш ва бемаъни сўзлар сўзловчи кишидан нафратланади».

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу билан барчаларимизни доимо фойдали сўзларни сўзлашга ундаб, бемаъни,

бефойда сўзларни айтишдан қайтарганлар.  
Аллоҳ таоло, пайғамбаримизга ўз китобида: «Бандаларимга айтилганки, улар (ўзаро сўзлашганларида) энг гўзал сўзлардан сўзласинлар» («Исро» - 53) дейди. Бу билан яратган Парвардигор барчани ўзаро суҳбатлашганида ҳам доимо ширин сўз бўлишга буюраяпти.

## АҚЛСИЗ ДЎСТДАН КЎРА...

Кунлардан бир куни бир овчи ўрмонда айланиб юрганида бир айиқ боласини топиб олибди ва уни уйига олиб кетибди. Улар бирга яшай бошлашибди. Овчи ва айиқча тез кунда бир-бирларига ўрганиб қолишибди. Овга ҳам бирга чиқадиган бўлибдилар.  
Кунлар, ойлар, йиллар ўтиши билан айиқча катта айиқча айланибди. Овчи эса анча кексайиб қолибди. Айиқ катта бўлгани сари жуда кўпол ва беақл бўлиб ўсибди.  
Бир куни овчи дўсти айиқ билан бирга овга чиқибди. Юриб-юриб чарчаган овчи дарахт тагига ётиб ухлаб қолибди. Айиқ эса овчини кўриқлай бошлабди. Шу пайт қаёқдандир бир пашша учиб келиб, овчининг юзига кўнибди. Бунга кўрган айиқ полвон пашшани учуриб юборибди. Пашша яна овчи юзига кўниб олибди. Айиқнинг ғазаби қайнаб, катта тошни олиб пашшага қараб отибди. Пашша учиб кетиб тош овчининг юзига тегибди ва овчи ҳалок бўлибди.

Алқисса, ақлсиз дўстан кўра, ақлли душман афзал.

*Шаҳноза УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Тошкент, «Санъатшунос-журналист»  
бўлимнинг 1-курс талабаси.*

*Қайси бирларингиз ўзингиздан бойроқ ёки ахлоқлироқ одамни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва ахлоқсизроқ одамлар ҳам борлигини эсланг.*

Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинлар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир.

*Мендан ривоят қилинган бирор ҳадисни эшитганларингизда дилларингизга таниш, бадалларингизга таъсир қиладиган ва ақлларингизга сиғадиган бўлса, демак, у менинг айтган ҳадисимдир. Аммо эшитган ҳадисларингиз бунинг аксидек бўлса, демак, у менинг айтган ҳадисим эмасдир.*

Тишларингизни мисвок билан тозалаб юринлар ва тозалликка одат қилинлар. Такрор-такрор қилинадиган маҳсуе ишларни тоқ бажаринлар, зеро Тангрининг ўзи тоқ, тоқ ишларни яхши кўради.  
Гарчи сизларга қора майиз каби қоп-қора бошли ҳабаш қул бошлиқ қилиб сайланган бўлса ҳам, унга қулоқ солинлар ва итоат қилинлар.

*Уйкуга кетишдан олдин чироқларни ўчириб, дарвозаларни беркитиб, сув идишлари ва озиқ-овқатларнинг устини ёпиб қўйинлар. Ёпишга нарса тополмасангиз, идишлар устига бирор чўп бўлса ҳам ташлаб қўйинлар.*  
Бировнинг молу мулкига тажовуз қилиш исломда йўқ.

## ҲАДИС

Уч кундан ортиқ аразлашиб юриш исломда йўқ.  
Гуноҳ ишларни қиламан деб ичилган қасам амалга оширилмасин.  
Таомларнинг ёмони - қорни очларни қолдириб, қорни тўқларнигина чақирилган тўй-зиёфатдир.

Одамларни мурасага келтириш учун яхши гапларни ташиган киши ёлғончи бўлмайди.  
Тангри аёлларнинг кийимини киядиган эркакни ва эркакларнинг кийимини киядиган аёлни лаънатласин!



Кавсар ТУРДИЕВА

# ЙЎЛ ХАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ



Огоҳлантирувчи белгилар

Эслаб тур бизни гоҳ-гоҳ,  
Сени қиламиз огоҳ,  
Урилиш, сурилишдан,  
Хатарли бурилишдан.  
Йўлда кўп турли хавфлар,  
Ёлғонмас бизнинг гаплар.  
Ёдла, қулоққа қўйгин,  
Чизиб, сўнг илиб қўйгин.  
Ўқи, ташлагин нигоҳ,  
Недан қилурмиз огоҳ.

Менинг белгим - машина  
хайдовчисини пухталар,  
Темир йўлдан ўтиш бор,  
зарур бўлса тўхталар.  
Белгимга, дўстгинам,  
бергин эътибор,  
Темир йўлда ахир ўтиш  
жойи бор.  
Яқинми, йироқми -  
уларнинг бари,  
Дейди: Бормоқдасан  
кесишма сари!

Трамвайлар бу ерда  
кўришар гоҳи,  
Темир из кесишиб,  
туташган чоғи.

Бир хил йўллар кесишган жойда  
Менинг белгим беради фойда.  
Дейман: кутгин, шошма  
сира ўтмоқликка,  
Йўл бер, ўнгдан келиб  
қолган ҳамроҳингга.

Дейман: дўстим,  
олазарак бўлма ўнг-сўлга,  
Чиқмоқдасан, ахир энди  
айланма йўлга!

Белгим дейди:  
Йўлчироқ,  
Ишни бошқарар  
мутлоқ.

Мени кўргач,  
азиз дўстим,  
қоқмагин киприк,  
Олдинда ё паром йўл,  
ё кўтарма кўприк.

Мен бор жойда интил  
дўстим, шуни билмоққа,  
Эҳтиёт бўл,  
чиқмоқдасан соҳил,  
қиргоққа!

Қараб қўйсанг,  
сўзларимнинг  
тегади нафи,  
Белги дейди: бордир  
тошлар отилиш хавфи.

Мен дейманки, йўл  
қўймагин  
беписандликка,  
Чиқмоқдасан энди  
дўстим, тик баландликка!

Менга қараб  
қўйгин ногоҳ,  
Сирпанчикдан  
қилгум огоҳ.

Йўл юрганда эътибор-ла  
сен қараб юргин,  
Мен дейманки, йўл  
нотекис, ё эгри-бугри.

Мени кўрсанг,  
билки яқин темир йўл,  
Узатилган шлагбаум -  
узун қўл.

Кўраяпсан, қаршингда  
белгим қораяр,  
Шуни билгин: олдинда  
йўлинг энди тораяр.  
Тораяр ўрта қисми,  
тораяр ўнги, чапи,  
Қатъий ҳар белгим сўзи,  
аниқ ҳар белгим гапи.

Йўлинг бўйлаб белгим  
кўрсанг ҳализамон,  
Дейман бунда кўп  
ёввойи турли ҳайвон.  
Эҳтиёт бўл, дейман  
сенга яна-яна,  
Балки бордир ён  
атрофда кўриқхона.

Расмимда йўл-йўл  
отдек излар бор,  
Ўтиш жойига  
бергин эътибор.  
Мен дейман:  
умринг бўлсин зиёда,  
Фақат шу ердан ўтар  
пиёда.

Яқин бўлса мактаб,  
боғча ё болалар маскани,  
Тезлигингни жон  
хайдовчи,  
камайтир бироз қани.  
Белгим дейди:  
бундай жойга  
эътибор-ла қаралар,  
Чиқишлари мумкин  
йўлдан тўполончи болалар.

Бизларни билиш керак,  
Бўлсанг билагон зийрак.  
Рўй бермас зарб, урилиш,  
Чунки хавфли бурилиш.

Бир хил сўзим ҳар доим  
ёзлари ва қишлари,  
Кетмоқдадир шу йўлда  
ҳозир таъмир ишлари.

Мени кўргач  
айтинг-чи,  
Қандай хабар қутилар?  
Баъзида бу жойлардан,  
Моллар ҳайдаб ўтилар.

Бу белгимга ҳожат йўқ,  
Бирор бир гап қўшишга.  
Эҳтиёт бўл, деганим,  
Тошлар мойил тушишга.

Менинг белгим огоҳ  
этар: тез юриш хавфли.  
Қуйи томон  
тушмоқдасан,  
бу тик нишаблик.

Менинг белгим  
билиб ўт,  
Пастлаб учар самолёт.  
Сигнал берсанг  
бу жойда,  
Эшитилмас, бефойда.

Тоннель, тоннель,  
қоронғилик,  
чироқ хира,  
Тўғри юргин,  
бурилмагин  
дейман сира.  
Машиналар  
зимистонга  
шўнғир ҳозир,  
Қоидани бузиб қўйиб,  
ема таъзир.

Белгимда катта ундов,  
Нега, деб айтса биров.  
Дейман: хаёлдан ўтар,  
Шунда бошқа  
хавф-хатар.

Ён-атрофда асфальт  
йўл-ҳаракатлар ўлкаси,  
Ҳозир чиқар олдиндан  
велосипед йўлкаси.  
Белгимга қил эътибор  
кўринсам ҳам жўндака,  
Бирдан чиқиб қолмасин,  
бирор бебош шумтака.

Бўлиши мумкин  
олдинда,  
Ёнлама шамол.  
Баъзи транспортларга  
Унинг хавфи бор.  
Чанг-тўзон атрофни  
Ишғол этади.  
Кутиб тургин бир оз  
Ўтиб кетади.


Қоидани бузиб  
қўйсанг, бировни  
ёмонлама,  
Мен бор жойда ҳара-  
кат ҳар икки томонлама.

Истамаймиз,  
хоҳламаймиз  
қийналишинг,  
Кўрсатамиз  
бурилишнинг  
йўналишин.



Бу белгилар жуда оз Номланади имтиёз. Балки сўрарсиз нега Устунликка ким эга. Барчасин равшан - аён Улар қилади баён.


# ИМТИЁЗ БЕЛГИЛАРИ




Юрагинг этмасин шув,  
Дейман: йўлда кесишув.



Мени кўрганда  
сўзимга кириг,  
Дейман: йўл беринг,  
яна йўл беринг!




Ҳой ҳайдовчи,  
шошмагин  
Топгин инсоф барака.  
Айтяпман-ку, бу ерда  
Тақиқланган ҳаракат.



Эшит, нафим тегади,  
Асосий йўл тугади.



Фойдали баъзан  
тўхташ ва кутиш,  
Мумкинмас, дейман  
тўхтамай ўтиш.




Азиз ҳайдовчи,  
тезлигингни бос,  
Мен турган жойда  
сенда имтиёз.



Фигонингдан сира  
чиқмасин тутун,  
Шерикларингда  
имтиёз устун.



Мени кўрганда,  
билмоқлик лозим.  
Ортиқча юкда,  
чекланган вазн.




Ҳой, дўстгинам!  
Хушёр бўл,  
Олдинда асосий йўл.

## ТАҚИҚЛОВЧИ БЕЛГИЛАР

Сизга кўп тоқат тилар,  
Тақиқловчи белгилар.  
Яхшилик истар тақиқ  
Уларни қилинг татбиқ.  
Шунда барча хавф-хатар,  
Сизларни четлаб ўтар.



Икки машина аро  
Қанақа бўлар ора.  
Энг кичкина масофа  
Менинг расмидан  
топа!  
Қилмайман пўписа, дўқ,  
Ундан камга рухсат йўқ!



Мени кўрса ҳайдовчи,  
Шошилмасин юришга.  
Тўхтаг ахир,  
мумкинмас,  
Бу томонга киришга.



Юрмасин дейман,  
машиналар зир-зир,  
Ҳаракат тақиқ  
қилинган ҳозир.



Бурилма ўнгга,  
Бурилма чапга.  
Қайрилма дейман,  
Чалғима гапга.



Белгимдан билки,  
хатарли ҳолат,  
Хушёр бўлмоқни,  
қилгин сен одат.




Текширув маскани  
бу - хирожхона  
Тўхтаб ўт, дейман  
будир божхона.



Мен бор жойда  
ҳайдовчилар,  
Қоидани бузманглар.  
Кувлашмачоқ  
уйнаманглар,  
Бир-бировдан  
ўзманглар.



Дейман: чекланган баландлик, кенглик,  
Ўққа тушувчи - оғирлик тенглик.  
Чекланган бўлар гоҳо узунлик,  
Барча белгим ҳақ, тўғри ўзимдек.




Мотоцикл, тиркама,  
трактор  
Сизларга дейман  
тўхтатиш керакдир.  
Велосипеду, арава ва от  
Ҳаракатингни  
тўхтат шу заҳот.  
Мен бўлган  
жойда юрма, пиёда,  
Ва белгиларим,  
эслаб қол ёлда.




Тушуниб етгин, гапим  
охири,  
Тезлик чекланган ҳудуд  
охири.



Бибиллама машина,  
илтимос кечир,  
Мени кўрган заҳоти  
сигнални ўчир.




Белгим бор ахир,  
яна нимаси,  
Қувиб ўтмасин  
юк машинаси.




Эй, ҳайдовчи,  
фурсат бор.  
Қувиб ўтгин,  
рухсат бор.



Азиз ҳайдовчи,  
билиб ол шуни,  
Тўхташ мумкинмас,  
ойнинг жуфт кунни.



Мен бор жойда йўқдир  
оғир ўйловлар,  
Дўстим, тугади  
охир чекловлар.



Ҳайдовчи, шуни  
эсингда тутгин  
Белгимни кўргач,  
тўхтамай ўтгин.



Мумкинмас,  
дейман сира тўхтамоқ  
Ойнинг кунлари  
агар бўлса тоқ,



Бўлманг тартибсиз,  
ўжар, ўз сўзлик,  
Мен турган жойда  
ошмасин тезлик.



Ҳаракат қилгин,  
тезроқ юришга,  
Рухсат йўқ  
ҳатто, тўхтаб туришга.

**Азиз болажонлар!** Сизнинг сеvimли газетангиз "Тонг юлдузи"ни ҳатто фан-докторлари ҳам, Олий Мажлис депутатлари ҳам, э. борингки, академиклардан тортиб, қурувчи-ю чорвадорлар ҳам севиб ўқийдилар. Бу йил Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетига ўқишга кирдим ва ўз устозларим билан "Тонг юлдузи" газетасининг аҳамияти ҳақида суҳбатлашдим. Англадимки, илм соҳиблари болалигининг дилкаш ҳамроҳи газета уларнинг оламида катта аҳамият касб этган экан. Илк мақолалари, ёзган шеърлари тенгдошларининг материаллари айнан болалар газетасида чоп этилган ва бу беҳад ҳаяжонлан-тирган экан. "Тонг юлдузи"да чоп этилган материалларим ҳам уларнинг нигоҳига тушганидан қувониб кетдим. Улар билан дилдан суҳбатлашишга ошиқдим.

Суҳбатдошим факультет декани, юзлаб аҳли қалам ва аҳли адабиётнинг фидойи устози Сайди Умиров бўладилар.

- Домла, сизнинг талабаларга, ўз шогирдларингизга бўлган чексиз меҳрибончиликларингиз ҳақида жудаям кўп эшитганмиз. Сизни устозим деб тан оладиганларнинг сон-саногии йўқ. Сиз ўзингизнинг мана шундай гўзал кунларингиз учун кўпроқ кимнинг олдида қарздорман деб ўйлайсиз?

-Энди қизим, устоз деганда ай-

нан бир кишини кўрсатмоқ-лик -

нинг ўзи мантқиқдан узокроқ бўлади. Навоий ҳазратларининг эътирофларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам:

"Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила".

Зеро, шундай экан то онгинг

шаклланиб, ҳар бир нарсани ўрганишга бўлган табиий эҳтиёжинг орқали кимдан нимани ўрганган бўлсанг, уларнинг барчаси сенинг устозинг бўлади. Аввало ҲАЁТнинг, УМРнинг ўзи энг буюк устоз, энг ҲАЛОЛ, энг ОДИЛ МУ-Р А Б -

Б И Й.

Илк бор қўлимга қалам олиб ёзишни, ўқишни ўргатган ва олис болалигим билан Самарқанднинг соғинчларига сингиб кетган илк ўқитувчим ва яна қолаверса, бутун бир ўқувчилик давридаги ҳамма муаллимларим, талабаликдаги устозларим, ҳамма-ҳаммаси боя сиз таъкидлаб ўтган бугунги ёруғ кунларим учун дахлдордирлар. Лекин айнан бир буюк сиймо КОМИЛ инсонни алоҳида таъкидлаб ўтмасам бўлмайди. Улуғ инсон марҳум Файбулла ас-Салом эдилар. Илойим жойлари жаннатда

бўлсин...

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Файбулла ас-Салом ҳақида фақатгина тоза бир меҳр билан гапириш мумкин. Зеро, Устоз деган сўзнинг фитратиде энг аввало меҳр ётади.

Зеро, ўрганмоқ ва ўрганганларини амалда қўлламоқ Одамзодни ҳамиша юксалтиради.

- Аввало, ўзини англаган, ўзлигини топган, ўзини энг олий мақсадлар йўлида ўзига жамлаган одамга талаб қўйиш шарт эмас, дейишди устозларим. "Ўзингни жамласанг, лашкарсан", дейди аҳли донишлар. Шундай экан, мен юртдошимиз Паҳлавон Маҳмуднинг қуйидаги ҳикматини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқни лозим топдим. Зеро, бу ҳикматни ҳар бир инсон ўзига шиор қилиб олмоғи лозим:

"Ўзингни топ, Ўзингни Таъдо айла!

Ўзни топмоқ саодати ҳаммамизга ёр бўлсин".

**ФАН ДОКТОРЛАРИ ҲАМ "ТОНГ ЮЛДУЗИ" ЎҚИЙДИ**


**БҲР ШИНАККА СОҶДАН-БҲР ШИНАККА ТОВБАН**

Енгилинг огири, узуннинг қисқаси, пастнинг баланди бўлганидек, кичикнинг ҳам каттаси албатта мавжуд. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, 1900 йилда амриқоликлар томонидан ясалган "Мамонт" фотоаппаратининг улканлиги табиийдек туюлади. Аммо кўрган ва у ҳақда эшитган киши ҳайратланмай иложи йўқ. Чунки унинг оғирлиги 625 кило бўлиб, унга жами 15 киши хизмат кўрса-тиши лозим. Негаки, уни бир киши бошқаролмайди. Фақат негативнинг ойнали пластинкаси 225 килолик тош босарди. Битта сувратни ишлаш учун эса роппа-роса 40 кило кимёвий дори сарфланган.



"Пш-ш-ш..." қарабсизки, оч қолганингизни сезмайсиз. Англияда ишлаб чиқарилган "Иштаҳага қарши" аэрозоли худди шундай хусусиятга эга.

Бу аэрозолилар асосан пархездаги хўрандалар учун мўлжалланган. Баллондаги аралашма ошқозонга эмас, балки киши миясига таъсир этади, натижада одам очиққанини сезмайди.



Швейциянинг "Роллей" фирмасида ногиронлар учун янги аравача ихтиро этилди. Ногирон унда нафақат ўтиради, балки тикка турган ҳолда ҳам кетиши мумкин. Чунки аравача ва унинг ўриндиғи шунга мослашган. Ўриндиқни соҳиб хоҳлаган баландликка келтира олади. Фақат электрон мурватларини босса бас. Ўзи автоматик тарзда керакли шаклга келади.



Ўз фирмаси обрўсини ошириш учун соҳиблар нималарни ўйлаб топишмайди дейсиз? Бироқ рекламага кетган маблағ ўзини оқлар экан, мутахассисларнинг фикри шундай. Гамбургдаги марказий дўконлардан бирининг эгаси бу соҳада кўпчиликни лол қолдирди. Унинг буюртмаси билан жуда катта болалар аравачаси тайёрланди. 20 бола бемалол жойлаша оладиган бу аравача гилдирагининг айланмаси бир ярим метр. Бу фақат реклама учун ясалган холос.

Чехословакиялик мутахассислар Лабе дарёсида сувости ишларини бажарувчи бульдозерни синовдан ўтказдилар. Компьютер ёрдамида бошқариладиган бульдозер етти метр чуқурликдаги турли ишларни бажариши мумкин.


Маълумки, барча болалар ҳарорат ўлчагични ёқтиришавермайди. Бироқ, ГФРда ишлаб чиқарилган бу асбобни энг қайсар болакай ҳам хуш кўради. Чой қошиққа ўхшатиб ясалган бу янги асбоб пластмассадан. Унга бирор ширинлик қуйиб болага берилса бас, шу вақтда унинг ҳарорати ўлчанади.

Ереванлик Э.Казарян деган уста соч толаларидан 5 миллиметр узунликда ерости йўли ясаган. Унда "темирийўл" ётқизилган бўлиб, икки митти поезд қарама-қарши йўналишда қатнайди. Ҳар бир поезд 35 вагондан иборат. Вагонча ойналаридан ҳатто "одамлар"нинг юзлари ҳам кўриниб туради. Бундан ташқари ерости йўли ичида иккита бекат жойлашган. Унга "Тинчлик", "Дўстлик" деб ёзиб қўйилган. Мана шуларнинг ҳаммаси 5 миллиметрлик ерости йўлида жойлашган.

Саҳифани Санобар МЕҲМОНОВА тайёрлади. Ўз. ДЖТУнинг Халқаро журналистика факультети талабаси.

**...ОТ ТИШЛАРИДАН ҚУРИЛГАН**

Граф Альфред Вроничкий 1820 йили Украинанинг Кримно қишлоғида суғурилган от тишларидан яхшигина йўл қурган. Тишларни тикка ҳолда териб, цемент қоришмаси билан мустаҳкамлаган. Шунинг учун бўлса керак бу йўл пишиқ чиққан. Бу йўллар ҳозир



Япониядаги уммоншунос-лик тадқиқотлари институтида 3300 метр чуқурликкача туша оладиган улкан сувости роботи яратилди. "Дельфин" деб номланган, кенлиги 3 метр ва баландлиги 2 метр бўлган бу робот денгиз ости илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга мўлжалланган. Энди эса япониялик мутахассислар сувостида янада чуқурроқ туша оладиган "Синкай" мосламаси устида иш олиб боришмоқда. У бир неча кишилик экипаж билан 6500 метр чуқурликкача туша олади.

Венгриянинг Дунакев шахрида Дюла Форинтош шахсий сувости кемасини тайёрлади. Унинг узунлиги 7,5 метр бўлиб, оғирлиги 7 тоннага яқиндир. Дюланинг қайиғи 65 метр сувостига тушган ҳолда соатига 40 километр тезликда сузиши мумкин. Форинтон кўпдан бери ўйлаб юрган орзусини амалга оширмоқчи. Овруро қирғоқларидан Нью-Йорккача ўзининг шу кемасида бормоқчи.

Канаданинг "Жонсон Энд Жонсон" фирмаси торф моҳидан янги қоғоз салфеткалари ишлаб чиқарди. У одатдаги салфеткалардан ўта юпқалиги билан фарқ қилади, бироқ жуда юпқа бўлишига қарамай, суяқликни ўзига кўп сингдиради, аниқроғи, ўз оғирлигидан 12 баробар кўп сув "симиради".



# Флора ва Фауна

## ДИНОЗАВРЛАРДАН ҲАМ ОЛДИНРОК ЕР ЮЗИДА ЯШАГАН ЖОНИВОРЛАР

Бундан бир неча миллион йил аввал ер юзида улкан йиртқич жониворлар - динозаврлар пайдо бўлган эди. "Динозавр" юнонча сўз бўлиб, "кучлилар, кўрқинчлилар, вазни оғир йиртқичлар" деган маънони билдиради. Лекин кўпчилик олимлар "динозавр" сўзи бу жонзотларга нисбатан унчалик ҳам тўғри қўйилмаган деб ҳисоблашади, чунки тадқиқотлар давомида катталиги бор-йўғи от, қуён ва ҳатто қаламушдек келадиган динозаврларнинг ҳам қолдиқлари топилган.



Олимлар узоқ вақт мобайнида сайёрамизда биринчи пайдо бўлган жониворлар - динозаврлар бўлган деб ҳисоблашарди. Аммо, тадқиқотчилар динозаврлар ер юзида пайдо бўлишларидан ўн миллион йил аввал сайёрамизда яшаб ўтган ҳайвонлар борлигини исботлашди.

Ҳозирда Янги Зеландияда илк жониворлар - протозаврларнинг авлоди бўлмиш гаттерия номли ҳайвон яшайди. Гаттерия - протозаврларнинг бугунги кунда ер юзида сақланиб қолган ягона авлодининг вакилидир. Унинг кўриниши динозаврлардан 10 миллион йил



илгари яшаган протозаврларнинг худди ўзидир.

Бизга яхши таниш бўлган тошбақалар ҳам ер юзида бундан 200 миллион йил аввал пайдо бўлганлар. Демак, улар ҳам динозаврлардан олдинроқ сайёрамизда пайдо бўлганлар. Ҳозирги тошбақаларнинг кўриниши, уларнинг илк аجدодларидан унчалик фарқ қилмайди.

Осуда оқшомларимизга ўзларининг вақиллаши билан жозиба бағишлаб турадиган қурбақалар динозаврлар билан бир вақтда пайдо бўлганлар.


Балиқларнинг кўплаб турлари, масалан, аюла, скат, саккизоёқ, осётрлар ҳам динозаврлардан олдин пайдо бўлишган.

Асримиз бошида Индонезиянинг Ко-



модо оролида улкан калтакесаклар, варанларнинг қолдиқлари топилган. Уларнинг узунлиги 3-5 метргача етарди. Ҳинд океанида эса аниқроғи Комор ороллари ёнида целаканта номли балиқларнинг қолдиқлари топилган. Олимлар бу балиқ бундан 100 миллион аввал ўлганлигини аниқлашган.

## ПАЛЬМА ДАРАХТИНИНГ НЕЧА ТУРИ БОР?



Тропик пляжларда, баъзи давлатларнинг кўчаларида табиатга гўзаллик ва жозиба бағишлаб турувчи дарахтлардан бири - пальмадир.

Пальманинг 4000га яқин тури бор. Улардан кўпчилиги инсонларга турли соҳаларда каттадан катта фойда келтиради. Масалан, пальманинг меваси ва барги инсонга озуқа вазифасини ўтайди. Унинг шохлари ва танасидан арқонлар, тўсинлар ясаш мумкин.

Дарахт танасидаги қаттиқ қатламдан ва қалин баргларида қоғозлар, газламалар, саватлар, шляпалар, кийим ва пойфазал тозаллагичлари ясалади. Фил пальмаси номли дарахтнинг ёнғоғидан тугмачалар қилинади. Ҳатто, баъзи пальмаларнинг шарбатидан шакар, асал ва вино тайёрлаш мумкин.

Кўпчилик пальмалар кўринишидан бир-бирига ўхшаб кетади. Уларнинг танаси шохсиз, тикка, гадир-будир бўлади. Барглари эса фақат тепасида, узун-узун бўлиб ўсади. Пальмаларнинг баландлиги 23 метргача ўсиши мумкин.

Пальмаларнинг барглари кўринишидан




кўпроқ елпиғич ёки перони эслатади. Барглари энига 3 метргача, бўйига эса 9 метргача етиши мумкин. Пальма меваларининг катталиги футбол тўпи ҳажмида бўлади, сирти эса хурмо пальмаларида юмшоқ, қолганларида қаттиқ бўлади.

Пальмалар АҚШ жанубида, Мексикада, Жанубий Америкада, Осиёнинг баъзи мамлакатларида, Африкада ва Европа жанубида ўсади. Тинч океанининг барча тропик оролларида минглаб пальмаларни учратиш мумкин.

Баъзи пальмалар саҳролардаги қуруқ қумларда, баъзилари фақат нам тупроқларда ўсади.

Гарчи пальмаларнинг деярли ҳаммаси тропик ҳудудларда ўсса-



да, лекин унинг бир тури бундан мустасно. Бу шимолий Анд тоғларидаги 3960 метр баландликда ўсувчи пальмадир.

Энг кўп учрайдиган ва энг кўп фойда келтирувчи пальмалардан пальмира пальмасини, карам пальмасини (Австралияда ўсади), тугмача пальмасини ва кокос пальмасини мисол қилиб келтириш мумкин. Малагас пальмаларидан эса пишиқ ва ажойиб саватлар тўқилади.

## АНОР - азалдан аталган афсункор

Дарҳақиқат, анорнинг мўъжизавий сеҳри ва фойдаси ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд.

Қадимги Юнонистонда анор тўғрисида бир ривоят доим халқ оғзида бўлган. Унда айтилишича, малика Персефона шох Аиднинг салтанатида биринчи марта анор мевасини татиб кўради. Шох Аид ерости салтанатининг ҳукмдори эди. Персефона битта анорнинг бор-йўғи олти дона уруғ-мевасини еб улгурган эди. Шох Аид эса, Персефонадан газабланиб, у руҳсатсиз еган анорни қўлидан тор-

тиб олади. Шох Аид маликанинг бу қилмиши учун уни ҳар йили олти ой давомида еростида, яъни ўзининг салтанатида яшашга мажбур қилади. Агар малика бу шартга кўнса, унга шох Аид боғидаги анорлардан ейишга рухсат беришини айтади. Малика Персефона фақатгина шу ажойиб мева-анорнинг мазасидан баҳраманд бўлиш учун бу мажбурловга рози бўлади. Қадимги Хитойда анор ҳосилдорлик рамзи ҳисобланган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом доимо ўз саҳобаларига: "Анор истеъмол қилинган, чунки бу мева

дилимизни поклайди, қалбимизни ҳасад ва нафрат ўтидан тозалайди" деган эканлар.

Тахминларга кўра, анор дастлаб форслар юртида етиштирилган. Шунингдек, анор қадим-қадимдан Жанубий Осиёда, Шимолий Африкада ва Жанубий Европада ҳам ўсган. Ҳозирда анор Жанубий ва Марказий Америка ва АҚШда ҳам етиштирилади.


Анор дарахти жуда паст бўйли бўлиб, унинг баландлиги 1 метр-

дан 6 метргача бўлиши мумкин. Анорнинг қизил гули кишини ўзига мафтун этади.

Анорнинг пўсти қалин бўлиб, уни тишга бир неча ҳафта давомида суртилса, тишнинг ранги оппоқ бўлади. Иссиқ ўлкаларда анор мевасидан шарбатлар тайёрланади ва у чанқоқбосди ичимлик ҳисобланади.

Анорнинг кўплаб турлари мавжуд. Бундан 700 йил аввал бир араб тарихчиси Испанияда анорнинг 10 хил тури ўсишини ёзиб қолдирган. АҚШда анорнинг жуда ҳам ширин бўлган, асосан уч хил тури етиштирилади. Уларнинг номлари инглизчадан таржима қилганда "Ажойиб", "Испан жавоҳири", деган маъноларни англатади.

Шоҳруҳбек КАРИМБЕКОВ тайёрлади.





# Тенгдошларнинг ишлари

## ШЕРЗОДГА БАЛЛИ!

ги 229-мактабнинг 5 "В"-синфида аъло баҳоларга ўқиб келмоқда. Шерзоджон яқинда "Даракчи" газетасида эълон қилинган "Менинг Ўзбекистоним!" деб номланган бошқотирмалар танловида қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин олди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Биз Шерзоджонни ушбу муваффақияти билан табриклаймиз, ўқиш ва ишларида омад ҳамиша ёр бўлишни тилаб, билимдон ва тирришқоқ болалар орасида Ғолиблар сони кўпайсин деймиз!



Тенгдошингиз Шерзод ЗОИИ-РОВ Сиз азиз ўқувчиларга газетамиз саҳифаларида чоп этилган турли мавзулардаги хабарлари, мақолалари, кулгили расмлари ва қизиқарли бошқотирмалари орқали яхши таниш. У Тошкент шаҳрида-

Ўзбекистон  
болалари ва  
ўсмирларнинг  
газетаси

Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
ҚЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

## БОҒ

Мақтабимиз  
Боғи бор,  
Атрофлари  
Чаманзор.  
Унга қараб  
Тўймаймиз,  
Кўшиқ қилиб  
Куйлаймиз!

## ЁМҒИРДАН СЎНГ...

Ёмғирдан сўнг ҳамма ёқ,  
Гулдек яшнаб кетади.  
Кушлар сайраб чуғурлаб,  
Бизни хурсанд этади!

Озода ХОТАМОВА,  
Темирийўл туманидаги  
29-мактабнинг  
7-"Г" синф ўқувчиси.

Мен беш-олти йилдан буён Республика Санъат лицейида бўлиб ўтадиган "Нафосат" ёш қаламкашлар кўрик-тан- ловига ўз шогирдларим- ни олиб келаяпман. Нафосатда қат- нашган айрим ўқувчи- ларим олий ўқув юртлари- да ўқишмоқда. Қолган- лари эса ҳаёт мазму- нини адабиётга ошно- ликда теран англаб, маънавиятли инсон бўлиб эл-юртга наф келтирмоқдалар. Бу йил ҳам анжуманга вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёт саройида ўзим олиб бораётган «Наъматак» тўғараги аъзоларидан айримларини бошлаб бордим. Улар пойтахт ҳавосида устозлар кўригидан ўтиб, ўз машқларига ҳалол баҳоларини олдилар. «Нафосат»нинг ютуғи - ёш юракларга ҳаяжон солишида, ҳақ-ноҳақни, рост-ёлғонни англаб, ёзганларига ишонтира билишида деб ўйлайман. Бу анъана узоқ йиллар давом этсин.

**"НАЪМАТАК" ИФРОДЛАРИ**

Олқор ДАМИН,  
шоир. Самарқанд вилояти.

## БОШ МУҲАРРИР:

Умида АБДУАЗИМОВА

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,

Йўлдош САИДЖОНОВ,

Ойниса МУСУРМОНОВА,

Ҳотам АБДУРАИМОВ,

Мукаррама МУРОДОВА,

Суннатилла ҚЎЗИЕВ,

Эргашвой САРИҚОВ.

## ТАБИАТ

Табиатдир онажон,  
Бизга азиз қадрдон.  
Уни жондан севамиз,  
Ранжитмаймиз ҳеч қачон!

Гавҳар ДАВЛАТОВА,  
Темирийўл туманидаги  
68-мактабнинг  
8-"А" синф ўқувчиси.

## ТОНГ

Тонгни кўзига суртиб,  
Уйқудан турар инсон.  
Эрталаб турганларга,  
Совға - гўзал Ер-осмон!

# ГУЛНОЗАНИНГ ТОПИШМОҚЛАРИ



Гулноза МУСАЖОНОВА,  
Тошкентдаги 249-мактабнинг  
7-синф ўқувчиси.  
XXX

Ярми қизил, сариқдир,  
Шакли эса думалоқ.  
Ёзда, кузда пишади,  
Бу нима? Топ-чи, ўртоқ!  
.ВМГО

Жаннатмакон мевадир,  
Қишга яқин пишадир.  
Олов рангга ўранган...  
Қани топчи, Тўлаган!

.омқҲ

Ҳиди хушбўй, ранг-баранг,  
Дугоналар, бир қаранг.  
Офтоб чиқса уйғонар,  
Камалакдай товланар.

.лўтқнта

## "ТОНГ ЮЛДУЗИ"ГА



## БИЛАҒОН БОЛАЛАР ДИҚҚАТИГА

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билағон ва топағонлигингизни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки кўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...  
Мақсадимиз: билимли бўлинг.

## ЧУМОЛИ

Ҳаётда арзимас қийинчиликка,  
Дош беролмай нолийди

инсонни олий.

Узу-кун меҳнат-ла умрин ўтказган,  
Нечун нолимайди митти чумоли?  
Сабр-бардош ила меҳнат қилади,  
Ҳаётда яшайдан мақсади ҳам бор.  
Ҳеч кимга зиёну заҳмат етказмай,  
Умрин яшаб ўтар беозор.  
Меҳнат-ла топади ҳар бир ушоқни,  
Гуё ҳалолликка ундайди ҳар он.  
Сабр-тоқати-ю ҳалоллигидан,  
Андоза олса арзийди инсон.

Гулноза МУҲАММЕДОВА,  
Ботир ЗОКИРОВ номли  
46-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

Ношир  
«Ijod dunyosi»  
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 39092  
нусхада босилди. Ҳажми 2  
босма табоқ.  
Буюртма - К-8357  
Газетани  
Муҳаббат МАҲСУДОВА  
саҳифалади.  
Навбатчи:  
Феруза ЖАЛИЛОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
Манзилемиз 700129,  
Тошкент шаҳри, Навоий  
кўчаси, 30-уй.  
Индекс 198

Тел: 144-62-34.